

“JIZZAKH AUTO” МЧЖ

Бош директорининг МУРОЖААТИ

Хурматли ҳамкасблар ва ҳамкорлар!

Тараққиётининг янги босқичига қадам қўяётган Ўзбекистон учун коррупциянинг ҳар қандай шаклдаги кўриниши, ислохотлар шиддатини сусайтириши билан хавфли.

Шу боисдан ҳам давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз ваколатига киришиши билан Президент сифатида имзо чеккан энг биринчи ҳужжат “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бўлди. Ушбу қонун меъёрларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2017 йил 2 февралдаги қарори билан “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури” қабул қилинди. Дастур доирасида бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди, мавжудлари инвентаризациядан ўтказилди. Умуман олганда, сўнгги йилларда қилинган ишлар таҳлили аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилганини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, 2018 – йилда Ўзбекистонда биринчи бўлиб “Ўзавтосаноат” Акционерлик Жамиятида коррупцияга қарши мурасасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларига асосланган комплаенс ички назорат тизими жорий этилди.

Ушбу тизимнинг асосий вазифаси – соҳада коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек Жамиятнинг барча ходимлари ўртасида тушунтириш-профилактик ишларни олиб боришдан иборат.

Шу билан бирга, “JIZZAKH AUTO” МЧЖ корхонасида “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Одоб-ахлоқ қоидалари”, Манфаатлар тўқнашуви сиёсати” каби 20 дан ортиқ коррупцияга қарши курашишга қаратилган ички меъёрий ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар қабул қилинди.

“JIZZAKH AUTO” МЧЖ ўз навбатида, коррупцияга қарши талаблар ва ахлоқий меъёрларни ҳисобда олган ҳолда ҳар доим ўз зиммасига олган

мажбўриятларни виждонан бажарилиши ва қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини кафолатлайди.

Бизнинг асосий мақсадимиз, фаолият юритаётган ҳамда биз билан бирга ишлаб келаётган мамлакатларда қонунларга бўйсунувчи ва намунали ташкилот сифатида ўз обрўимизни мустаҳкамлашдир.

Юқоридагиларни инобатга олиб шуни айтиш жоизки, ҳамкасбларимиз ва ҳамкорларимизни иш юритишда ҳалоллик, очиқлик ва шаффофлик стандартларига, ҳамда коррупцияга қарши курашиш тамоилларга риоя қилишда шубҳа туғилган тақдирда, эҳтимолий қонунбузарликлар ҳақида бизга хабар беришга яна бир бор чорлаб қоламиз.

Ҳурмат билан,
Бош директор



Ойбек Аюбов